

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАЙДИ

М.М.Бекмуродова

*М.Улугбек тумани 241- сонли умумтаълим мактаби
Тарих фани ўқитувчиси*

Инсоният тарихига назар солар эканмиз, қадимдан инсоннинг шахс сифатида қадрланиши асосий мақсадлардан бири бўлган. Хусусан инсоният фаравон жамият барпо этиш, инсон қадри азиз бўлганadolatli давлат қуриш учун не-не машаққатларни бошидан кечирганига биз тарихдан гувоҳ бўлганмиз.

Бугунги кунда юртимизда ҳар соҳада олиб борилатган ислоҳотларни кўриб кўзингиз қувнайди. Бу биринчи навбатда оллоҳни бизга, бизнинг меҳнаткаш ва заҳматкаш халқимизга берган тухфаси албатта. Бугун Ўзбекистонда инсон қадри энг олий ва буюк мақсад этиб қўйилган десак муболаға бўлмайди. Хусусан янгиланаётган Конституция бунга ёрқин мисол бўла олади ва бу Ўзбекистон халқи учун тарихий воқейлик касб этади. Чунки янгиланаётган Конституцияга киритилаётган ўзгартиришлар умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, унда фуқороларни қийнаётган муаммолар, ечими топилмаган масалалар, поймол қилинган хукуқ ва эркинликларни инобатга олиниб ишлаб чиқилди десак муболаға бўлмайди.

Амалдаги Конституцияда “давлат-жамият-инсон” тамойили, янгиланаётган Конституцияда “инсон-жамият-давлат” тамойилига ўзгартирилишида инсон қадри нақадар азизланаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан янгиланатган Конституцияга ўз тақдири учун бефарқ бўлмаган фуқороларимиз томонидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушган бўлиб, қувонарлиси таклифларнинг 60% юртимиз ёшлари томонидан юборилган. Шунинг учун ҳам янгиланаётган Конституцияда ёшларга оид бир қатор нормалар, ҳатто битта алоҳида боб – “Оила, болалар ва ёшлар” масаласига бағишланган.

Ҳар бир инсон ўз Ватанида хукуқ ва эркинликлари тўлиқ ва ишончли кафолатланишини ҳохлайди. Бу эса янгиланаётган Конституциянинг бир неча моддаларида ўз ифодасини топмоқда. Шу мунособат билан янгиланаётган Конституцияга яна 27 модда киритилмоқда ва бу билан моддалар сони 128 тадан 155 тага кўпаймоқда. Шу ўринда амалдаги Конституциядаги 275 та норма мавжуд бўлиб, янгиланаётган Конституция улар сони 434 тага кўпаймоқда. Шу рақамларнинг ўзи янгиланаётган Конституция нақадар халқчил ва инсон қадри учун хизмат қилишини англаб олиш мушкул эмас.

Шу ўринда янгиланаётган Қомусимизнинг иккинчи бўлими “Инсон ва

фуқороларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари деб номланган бўлиб, бу бўлим ўз ичига 7 боб, 46 моддани қараб олмоқда. Бунда амалдаги конституцияга нисбатан инсон қадр-қимматини, хуқуқларини, эркинликларини ва шу билан бирга бурчларини ифодаловчи моддалар 12 тага кўпаймоқда.

Янгиланаётган Конституцияни 50-моддасига назар ташласак унда Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятинисақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларни шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши учун ғамхўрлик қиласи деб белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқороларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлайди, шунингдек уларнинг Давлатнинг хуқуқ ва эркинликларини тъминлаш бўйича маъсулияtlарини оширади. Янгиланаётган Конституция Ўзбекистонда инсон қадри улуғланишини тўлақонли каофолатлайди деб ишонамиз.